

**БАЪЗИ ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАР ЖИНОЯТ ҚОНУНЧИЛИГИДА СУД ХУЖЖАТЛАРИНИ ИЖРО
ЭТМАГАНЛИК УЧУН ЖИНОЙ ЖАВОБГАРЛИК**

Рамазанов Сайфилло Нарзиллоевич

Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби магистранти,
жиноят ишлари бўйича 1-босқич тингловчиси**Аннотация:**

Мазкур мақолада муаллиф баъзи хорижий давлатлар жиноят қонунчилигида суд ҳужжатларини ижро этмаганлик учун жиноий жавобгарликнинг айрим ўзига хос жиҳатларини ёритган.

Муаллифнинг қайд этишича суд-ҳуқуқ ислохотларини янада чуқурлаштиришда ва одил судлов самарадорлигини оширишда суд ҳужжатларининг қонунда назарда тутилган муддатларда тўлиқ ижро қилиниши катта аҳамиятга эга. Чунки, суд ҳужжатларини ўз вақтида ёки лозим даражада бажарилмаслиги, биринчи навбатда суд ҳужжатларини ижро қилиш жараёнида олий юридик кучга эга бўлган ҳуқуқий ҳужжат – Ўзбекистон Республикаси Конституциясида белгилаб қўйилган фуқароларимизнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини бузилишига олиб келади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 114-моддасида “Суд ҳокимияти чиқарган ҳужжатлар барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун мажбурийдир”, деб белгилаб қўйилган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг “Судлар тўғрисида”ги Қонуннинг 10-моддасида қонуний кучга кирган суд ҳужжатлари барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар, мансабдор шахслар, фуқаролар учун мажбурийдир ҳамда Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида ижро этилиши шарт. Суд ҳужжати ижро этмаслик қонунда белгиланган жавобгарликка сабаб бўлади”, деган қоида мустаҳкамланган.

Бироқ, амалиётда суд ҳужжатларини ўзбошимчалик билан ижро этмаслик, жумладан муайян ҳаракатларни содир этиш ёхуд уларни содир этишдан ўзини тийиш мажбуриятини юқловчи суд ҳужжати бажаришдан бўйин товлашни маъмурий жазо қўлланилганидан кейин давом эттириш ҳолатлари учраб туради. ЖКнинг 232-моддасида айтилган шу қилмишлар учун жавобгарлик белгиланган бўлиб, мазкур мақола доирасида баъзи хорижий мамлакатларда суд ҳужжатларини ижро этмаганлик учун жавобгарлик назарда тутилган жиноят қонуни нормаларининг таҳлили амалга оширилади.

Калит сўзлар: суд ҳужжати, ижро этмаслик, жавобгарлик, хорижий тажриба, ижтимоий ҳавфлилик даражаси, ўзбошимчалик, юридик куч, одил судлов.

**УГОЛОВНАЯ ОТВЕТСТВЕННОСТЬ ЗА НЕИСПОЛНЕНИЕ СУДЕБНЫХ АКТОВ В УГОЛОВНОМ
ПРАВЕ НЕКОТОРЫХ ЗАРУБЕЖНЫХ СТРАН**

Рамазанов Сайфилло Нарзиллоевич

Слушатель магистратуры Высшего школы судей при
Верховного Совета судей Республики Узбекистан**Аннотация:**

В данной статье автор осветил некоторые специфические аспекты уголовной ответственности за неисполнение судебных актов в уголовном законодательстве некоторых зарубежных стран.

Автор отмечает, что для дальнейшего углубления судебно-правовой реформы и повышения эффективности правосудия большое значение имеет полное исполнение судебных актов в сроки, предусмотренные законом. Потому что несвоевременное или ненадлежащее исполнение судебных актов влечет, прежде всего, нарушение прав и законных интересов наших граждан, установленных Конституцией Республики Узбекистан – правовым актом, имеющим высшую юридическую силу в процессе исполнения судебных актов.

Статья 114 Конституции Республики Узбекистан устанавливает, что “документы, изданные судебной властью, обязательны для всех государственных органов, общественных объединений, предприятий, учреждений, организаций, должностных лиц и граждан”. Также в статье 10 Закона Республики Узбекистан “О судах” говорится, что вступившие в законную силу судебные акты обязательны для всех государственных органов, общественных объединений, предприятий, учреждений и организаций, должностных лиц, граждан и подлежат исполнению на всей территории Республики Узбекистан. Неисполнение судебного акта влечет установленную законом ответственность”.

Однако на практике встречаются случаи самовольного неисполнения судебных актов, в том числе совершения определенных действий либо продолжения уклонения от исполнения судебного акта, налагающего обязанность воздержаться от их совершения, после применения административного наказания. Статья 232 УК устанавливает ответственность за те же деяния, в рамках которой в некоторых зарубежных странах проводится анализ норм уголовного права, предусматривающих ответственность за неисполнение судебных актов.

Ключевые слова: судебный акт, неисполнение, ответственность, зарубежный опыт, степень общественной опасности, произвольность, юридическая сила, правосудие.

CRIMINAL LIABILITY FOR NON-EXECUTION OF JUDICIAL ACTS IN THE CRIMINAL LAW OF SOME FOREIGN COUNTRIES

Ramazanov Sayfillo Narzilloevich

Master's degree student Higher School of Judges at
Supreme Council of Judges of the Republic of Uzbekistan

Annotation

In this article, the author highlighted some specific aspects of criminal liability for non-execution of judicial acts in the criminal legislation of some foreign countries.

The author notes that in order to further deepen the judicial and legal reform and improve the efficiency of justice, full execution of judicial acts within the time limits stipulated by law is of great importance. Because untimely or improper execution of judicial acts entails, first of all, violation of the rights and legitimate interests of our citizens established by the Constitution of the Republic of Uzbekistan – a legal act having the highest legal force in the process of execution of judicial acts.

Article 114 of the Constitution of the Republic of Uzbekistan establishes that “documents issued by the judiciary are mandatory for all State bodies, public associations, enterprises, institutions, organizations, officials and citizens.” Also, article 10 of the Law of the Republic of Uzbekistan “On Courts” states that

judicial acts that have entered into force are mandatory for all State bodies, public associations, enterprises, institutions and organizations, officials, citizens and are subject to execution throughout the territory of the Republic of Uzbekistan. Failure to execute a judicial act entails liability established by law.”

However, in practice, there are cases of unauthorized non-execution of judicial acts, including the commission of certain actions or the continuation of evasion from the execution of a judicial act imposing the obligation to refrain from committing them, after the application of administrative punishment. Article 232 of the Criminal Code establishes responsibility for the same acts, within the framework of which in some foreign countries an analysis of the norms of criminal law providing for liability for non-execution of judicial acts is carried out.

Keywords: judicial act, non-execution, responsibility, foreign experience, degree of public danger, arbitrariness, legal force, justice.

Кириш

Шахсни, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини, қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш мақсадида жиноят қонунчилигини либераллаштириш ҳамда такомиллаштириш жиноят-ҳуқуқий сиёсатда устувор вазифалардан бири саналади. Бугунги кундаги мамлакатимиздаги ислохотлар инсон қадрини юксалтириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали муҳофаза қилиш муҳим аҳамият касб этади.

2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида ҳам “.....бюрократик ғов ва тўсиқларни бартараф этиш орқали фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг одил судловга эришиш даражасини тубдан ошириш ҳамда судьяларнинг ўзини ўзи бошқариш тамойилини кенг жорий этиш, судьялар корпусини шакллантиришда очиқлик ва шаффофликни таъминлаш¹ устувор вазифа сифатида изчил давом эттирилиши белгиланди.

Таъкидлаш жоизки, суд-ҳуқуқ ислохотларини янада чуқурлаштиришда ва одил судлов самарадорлигини оширишда суд ҳужжатларининг қонунда назарда тутилган муддатларда тўлиқ ижро қилиниши катта аҳамиятга эга. Чунки, суд ҳужжатларини ўз вақтида ёки лозим даражада бажарилмаслиги, биринчи навбатда суд ҳужжатларини ижро қилиш жараёнида олий юридик кучга эга бўлган ҳуқуқий ҳужжат – Ўзбекистон Республикаси Конституциясида белгилаб қўйилган фуқароларимизнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини бузилишига олиб келади.

Айтиб ўтиш жоизки, мамлакатимизда яшаётган ҳар бир фуқаро ўзининг бузилган ҳуқуқлари юзасидан судга мурожаат қилар экан, суд томонидан фуқароларимизнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш мақсадида чиқарилган ҳар бир суд ҳужжати ижро этилмас экан суднинг нуфузига путур етказиш билан биргаликда фуқароларимизнинг суд ҳимоясида бўлиш ҳуқуқининг бузилишга олиб келади. Чунки, “суд қарорларини ижро қилиш фуқароларнинг

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги фармони. <https://lex.uz/docs/5841063>

бузилган қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишнинг ҳал қилувчи босқичи ҳисобланади”².

Суд ҳужжатларини ижро этмаслик ижтимоий хавфли қилмиш ҳисобланиб, унинг учун жиноий жавобгарлик белгиланган. Юридик адабиётларда суд ҳужжати деганда тегишлича умумий юрисдикция суди ёки ҳўжалик суди томонидан чиқарилган ва қонуний кучга кирган суд ҳужжати (суд буйруғи, ажрим, қарор, ҳал қилув қарори, ҳукм), шунингдек ҳакамлик судлари ва чет давлат судларининг ҳал қилув қарорлари асосида белгиланган тартибда ижро варақалари тушунилади³.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев одил судловни таъминлаш ва коррупцияга қарши курашиш борасида “Суд биносига келган ҳар бир инсон Ўзбекистонда адолат борлигига ишониб чиқиб кетиши кераклигини таъкидлаши⁴ суд органларининг ҳужжатлари сўзсиз риюя этилиши орқали жамиятда адолатни қарор топтиришга хизмат қилишидан далолат беради.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 114-моддасида “Суд ҳокимияти чиқарган ҳужжатлар барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун мажбурийдир⁵”, деб белгилаб қўйилган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг “Судлар тўғрисида”ги Қонуннинг 10-моддасида қонуний кучга кирган суд ҳужжатлари барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар, мансабдор шахслар, фуқаролар учун мажбурийдир ҳамда Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида ижро этилиши шарт. Суд ҳужжатини ижро этмаслик қонунда белгиланган жавобгарликка сабаб бўлади⁶”, деган қоида мустаҳкамланган.

Бироқ, амалиётда суд ҳужжатларини ўзбошимчалик билан ижро этмаслик, жумладан муайян ҳаракатларни содир этиш ёхуд уларни содир этишдан ўзини тийиш мажбуриятини юкловчи суд ҳужжатини бажаришдан бўйин товлашни маъмурий жазо қўлланилганидан кейин давом эттириш ҳолатлари учраб туради. ЖКнинг 232-моддасида айни шу қилмишлар учун жавобгарлик белгиланган бўлиб, мазкур мақола доирасида баъзи хорижий мамлакатларда суд ҳужжатларини ижро этмаганлик учун жавобгарлик назарда тутилган жиноят қонуни нормаларининг таҳлили амалга оширилади.

Материал ва методлар

Баъзи хорижий давлатлар жиноят қонунчилигида суд ҳужжатларини ижро этмаганлик учун жиноий жавобгарлик тушунчаси ва унинг ўзига хос хусусиятлари ўрганиш, мазкур ҳолатни назарда тутувчи қонун ҳужжатлари нормаларини таҳлил қилиш. Бунинг учун таҳлил, тарихий-қиёсий услуб, абстракция ва таққослаш сингари илмий билишнинг усулларидадан фойдаланилган.

² Гладышев С.И. Исполнительное производство Англии. -М.: Лекс-Книга, 2012. – С.6.

³ Кабулов Р., Отажонов А.Одил судловга қарши жиноятлар. Ўқув қўлланма.Т.: 2013. - Б.50.

⁴ <https://president.uz/uz/lists/view/3684>

⁵ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. <https://lex.uz/docs/20596>

⁶ Ўзбекистон Республикасининг “Судлар тўғрисида”ги Қонуни. <https://lex.uz/docs/5534923#5538048>

Тадқиқот натижалари

МДХ давлатлари ва баъзи хорижий мамлакатлар жиноят қонунчилигини суд ҳужжатларини ижро этмаганлик учун жавобгарликни ўрганиш, мамлакатимиз жиноят қонунчилиги ушбу жиноят учун жавобгарлик белгиланган нормани янада ривожлантиришга хизмат қилади.

Мазкур мақола доирасида Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Арманистон, Россия Федерацияси, Польша, Испания давлатларнинг суд ҳужжати ижро этмаслик учун жиноий жавобгарлик белгиланган нормалар таҳлили амалга оширилди.

Суд ҳужжатларини ижро этмаслик учун жавобгарликни таҳлил қилишда Қозоғистон жиноят қонуни ҳам ўзига хос хусусиятларга эгалигини қайд этиш жоиз. 2014 йил 3 июлда қабул қилинган

ва

2015 йил 1 январдан кучга кирган янги таҳрирдаги Қозоғистон Республикаси Жиноят кодексида суд ҳужжати ижро этмаганлик учун жавобгарлик жиноят қонунчилиги янги таҳрирда қабул қилингунлига қадар мазкур жиноят учун белгиланган жавобгарликдан ўзгача бўлган.

Қозоғистон Республикасининг илгариги ЖК 362-моддаси “Суд ҳукмлари, суд қарорлари ёки бошқа суд ҳужжати бажармаслик” деб номланган. Ушбу давлатнинг ЖК 362-моддаси 1-қисми диспозициясига кўра қонуний кучга кирган суд ҳукмлари, суд қарорлари ёки бошқа суд ҳужжати бажаришга тўсқинлик қилиш ҳисобланиб, унда қонун чиқарувчи суд ҳужжатларини бажармаслик билан уни бажаришга тўсқинлик қилишни бир ҳаракат сифатида назарда тутилган. ЖКнинг 362-моддасида 1-қисмида назарда тутилган жиноятнинг субъекти ҳар қандай жисмоний шахс бўлишлиги кўрсатиб ўтилган. Қозоғистон Республикаси Жиноят кодексининг 362-моддаси 2-қисмида “Суд ҳукмлари ёки бошқа суд ҳужжатларини бажармаслик”нинг ҳокимият вакили, давлат хизматчиси, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органи хизматчиси ҳамда бунга тенглаштирилган давлат муассасаси тижорат ёки бошқа ташкилот хизматчиси томонидан содир этилганлиги учун жавобгарлик белгиланган, яъни жиноят субъекти махсус аломатларга эга шахс бўлиши кўрсатиб ўтилган.

Қозоғистон Республикаси ЖК 262-моддаси 3-қисми диспозицияси ўзига хос бўлиб, унга кўра озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўтаб чиққан шахснинг суд томонидан белгиланган маъмурий назорат қоидалари ашаддий равишда бузилиши, шунингдек назорат остидаги шахснинг озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўтаганидан сўнг маъмурий назоратдан бўйин товлаш мақсадида турар жойидан кетиш ёки жазони ўтаб бўлганидан сўнг белгиланган жойга келмаслиги ҳам суд актини бажармаслик сифатида назарда тутилган⁷.

Қозоғистон Республикасининг 2014 йилда қабул қилинган янги таҳрирдаги Жиноят кодексининг 430-моддаси “Суд ҳукми қарори ёки бошқа суд ҳужжати ёинки ижро ҳужжати бажармаслик” деб номланади. Ушбу моддада:

Қонуний кучга кирган суд ҳукми қарорини ёки бошқа суд ҳужжати ёинки ижро ҳужжати олти ойдан ортиқ ижро этмаслик, шунингдек унинг ижро этилишига тўсқинлик қилиш – уч йилгача озодликни чеклаш ёки шу муддатга озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади. Ўша қилмишлар, мансабдор шахс томонидан содир этилган бўлса,

⁷ Уголовный кодекс Казахский Республики. – Санк-Петербург: Юридический центр Пресс, 2021. –С.325.

– уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёки шу муддатда озодликдан маҳрум қилиш жазоси билан бирга беш йилгача маълум бир мансабни эгаллашни ёхуд у ёки бу фаолият билан шуғулланишни тақиқлаш билан жазоланади.

Ушбу модданинг биринчи ва иккинчи қисмида назарда тутилган ҳаракатлар, энг кам ойлик иш ҳақининг ўн минг бараваридан ортиқ суммани ундириш билан боғлиқ суд ҳужжатини ижро этмаслик шунингдек ижро этилишига тўсқинлик қилинса,

– беш йилдан етти йилгача озодликни чеклаш ёки шу муддатда озодликдан маҳрум қилиш жазоси билан бирга беш йилгача маълум бир мансабни эгаллашни ёхуд у ёки бу фаолият билан шуғулланишни тақиқлаш билан жазоланади, деб белгиланади.

Шунингдек, мазкур моддада рағбатлантирувчи норма ҳам назарда тутилган бўлиб, ушбу модданинг 3 қисмида назарда тутилган жиноятни содир этган шахс суд ҳукми чиқарилгунига қадар қарздорликни тўлиқ қопласа, унга озодликдан маҳрум қилиш тарқасидаги жазоси тайинланмайди.

Қозоғистон жиноят кодексида маъмурий преюдиция тўғри кўзда тутилмаган бўлиб, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги кодекснинг 669-моддасига кўра 6 ойгача суд ҳужжатларини ёки бошқа ижро ҳужжатини ижро этмаслик, маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳисобланиши белгиланган⁸. Мустақил давлатлар ҳамдўстлигига аъзо мамлакатлар жиноят қонунчилиги деярли бир-бирига яқин бўлсада, лекин ўзига хос жиҳатлари билан ажралиб туради.

Мазкур модда бўйича Қирғизистон ва Тожикистон жиноят қонунчилигини кўрадиган бўлсак **суд ҳужжатини ижро этмаслик учун жиноий жавобгарлик масаласи икки давлат жиноят қонунчилигида деярли бир хил қайд этилган.**

Қирғизистон Республикаси Жиноят кодексининг 338-моддаси “Суд ҳукми қарори ёки бошқа суд ҳужжатини ижро этмаслик” деб номланиб, ушбу модда битта қисмдан иборат бўлиб, ҳокимият вакили, давлат хизматчиси, маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органи ходими шунингдек, давлат муассасалари, тиржоратчи ёки бошқа ташкилот ходими қонуний кучга кирган суд ҳукми қарори ёки бошқа ҳужжатини ижро этмаслик, шунингдек унинг ижро этилишига тўсқинлик қилиш учун жавобгарлик белгиланган.

Қирғизистон Республикаси Жиноят кодекси 18-моддасига кўра, жиноят умумий субъект 16 ёш қилиб белигиланган бўлсада, ушбу мамлакат Жиноят кодексининг 338-моддаси Суд ҳукми қарори ёки бошқа суд ҳужжатини ижро этмаслик жиноятини содир этган шахснинг субъект ёши аниқ кўрсатилмаган. Аммо, Қирғизистон Республикаси Жиноят кодекси шарҳларида баъзи мансабдорлик билан боғлиқ жиноятлар, ҳарбий жиноятлар ва вояга етмаганлар шахсни жиноятга жалб этиш каби жиноятларнинг субъект ёши 16 ёшдан юқори бўлган бўлиши кўрсатиб ўтилган. Демак, суд ҳукми қарори ёки бошқа суд ҳужжатини ижро этмаслик жиноятининг субъекти фақат махсус субъект ҳисобланади.

Ушбу модданинг санкциясига назар ташлайдиган бўлсак унга кўра ушбу жиноятни содир этган шахс:

– энг кам ойлик иш ҳақининг икки юз бараваридан тўрт юз бараваригача жарима ёки беш йилгача маълум бир мансабни эгаллашни ёхуд у ёки бу фаолият билан шуғулланишни

⁸ Уголовный Кодекс Республики Казахстан новый с изменениями и дополнениями по состоянию на 02.08.2021 г.) Алматы 2021.

тақиқлаш ёки олти ойгача қамоқ ёхуд икки йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади⁹ деб белгилаб қўйилган.

МДХга аъзо давлатлардан яна бири Тожикистон Республикаси Жиноят қонунчилигининг 338-моддаси суд ҳукми қарори ёки бошқа суд ҳужжати ижро этмаслик учун жавобгарлик белгиланган.

Ушбу моддага кўра ҳокимият вакили, давлат хизматчиси, маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органи ходими шунингдек, давлат муассалари, тижоратчи ёки бошқа ташкилот ходими қонуний кучга кирган суд ҳукми қарори ёки бошқа ҳужжати ижро этмаслик, шунингдек унинг ижро этилишига тўсқинлик қилиш энг кам иш ҳақининг икки юз бараваридан беш юз бараваригача жарима ёки уч ойдан олти ойгача қамоқ ёхуд икки йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланиди¹⁰ деб белгиланган.

Тожикистон ва Қирғизистон Жиноят кодекси ва Ўзбекистон Жиноят кодексида мазкур масалага оид айрим фарқли жиҳатлари ҳам мавжуд:

Биринчидан, ушбу давлатларда суд ҳужжатни ижро этмаслик учун жиноий жавобгарлик назарда тутилган модда битти қисмдан иборат. Бизнинг жиноят қонунчилигимизда суд ҳужжатларини ижро этмаслик жиноий жавобгарликни назарда тутувчи модда икки қисмдан иборат.

Иккинчидан, ушбу давлатларда ҳокимият вакили, давлат хизматчиси, маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органи ходими шунингдек, давлат муассалари, тижоратчи ёки бошқа ташкилот ходими жиноят субъекти сифатида назарда тутилган бўлиб, суд ҳужжатларини ижро этмаслик учун жисмоний шахсларнинг жиноий жавобгарлиги кўрсатилмаган.

Ушбу давлатларнинг яна бир ўзига хос хусусиятларидан бири мазкур жиноят бўйича жиноят субъекти мансабдор шахсларга алоҳида эътибор аниқ берилмасдан, **ҳокимият вакили, давлат хизматчиси, маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органи ходими шунингдек, давлат муассалари, тижоратчи ёки бошқа ташкилот ходими масаласига эътибор қаратилган жиноят. Бизнинг жиноят қонунимизга кўра мазкур норма бўйича назарда тутилган жиноятнинг субъекти аниқ кўрсатилган бўлиб жисмоний шахс ҳам мансабдор шахс ҳам ҳисобланади.**

Россия Федерацияси ЖКнинг 315-моддасида суд ҳукмлари, суд қарорлари ёки бошқа суд ҳужжатларини атайин ижро этмаганлик учун жавобгарлик белгиланган бўлиб, жавобгарлик шарти сифатида қонуний кучга кирган суд ҳужжати ижро этмаслик кўрсатилган.

Россия Федерацияси ЖПКнинг 358-моддаси талабларига мувофиқ, қонуний кучга кирган суд ҳукми, суд ажрими ва қарорлари барча давлат ва жамоат ташкилилотлари, мансабдор шахс ва фуқаролар учун мажбурийдир. Шунга айнан ўхшаш суд ҳужжатларининг барча учун мажбурий эканлиги тўғрисидаги талаб маъмурий, фуқаролик-процессуал қонунчилиги билан мустаҳкамланган¹¹.

⁹ Уголовный кодекс Кыргызской Республики (с изменениями и дополнениями по состоянию на 25.01.2021 г.) О введении в действие настоящего Кодекса см. Закон КР от 1 октября 1997 года № 69 и Принят Законодательным собранием Жогорку Кенеша Кыргызской Республики 18 сентября 1997 года.

¹⁰ Уголовный кодекс Республики Таджикистан. Душанбе. 2021.

¹¹ Б.Ф.Юсупов. Суд ҳужжатларини бажармаганлик учун жиноий жавобгарлик муаммолари. - Т.: 2011.-Б.36-37.

Айтиш лозимки, Россия Федерациси ЖК 315-моддаси шарҳи қонун чиқарувчи ушбу модда билан қўриқланадиган ижтимоий муносабатлар сифатида суд амалиётининг ҳар қандай кўриниши: конституциявий, жиноят, фуқаролик ва маъмурий судлар томонидан ўрнатилган тартибда қонунга мувофиқ чиқарилган суд ҳужжатларининг ижроси билан боғлиқ муносабатларни назарда тутган¹².

Арманистон Республикаси Жиноят кодексининг 353-моддаси “Суд ҳужжати ижро этмаслик” деб номланиб ушбу модда битта қисмдан иборат. Яъни мансабдор шахс томонидан қасддан қонуний кучга кирган суд ҳукми, қарори ёки бошқа суд ҳужжати ижро этмаслик ёхуд ижро этишига тўсқинлик қилиши ушбу жиноят учун жавобгарликни келтириб чиқаради.

Арманистон Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси ЖКда мазкур масалага оид айрим фарқли жиҳатлари ҳам мавжуд:

биринчидан, жиноят қонунимизда назарда тутилган суд ҳужжати бажаришдан бўйин товлаш инobatга олинмаган.

иккинчидан, Арманистон Республикаси Жиноят кодексининг 353-моддаси бўйича жиноятнинг субъекти фақат мансабдор шахснинг жиноий жавобгарлиги кўрсатилган бўлиб, мазкур жиноят учун жазо тури сифатида энг кам ойлик иш ҳақининг уч юз бараваридан беш юз бараваригача жарима ёки бир ойдан уч ойгача қamoқ ёхуд икки йилдан кўп бўлмаган озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланиши белгилаб қўйилган¹³.

Қатор Европа давлатлари жиноят қонунчилигида ҳам шундай нормалар мавжуд. Масалан, Польша Жиноят кодексининг 30-боби одил судловга қарши жиноятлар деб номланиб, ушбу бобнинг 244-моддасига кўра: Кимки суд томонидан таъқиқланган маълум бир мансаб, фаолият тури билан шуғулланса, фаолиятни амалга ошириш ёки транспорт воситаларини бошқаришни таъқиқлаш ҳақидаги қарорини ёхуд суд ҳукмини унда кўрсатилган усулда эълон қилишни ижро этмаса уч йилгача озодликдан маҳрум этиш жазоси билан жазоланади¹⁴ деб белгилаб қўйилган. Испания Жиноят кодексининг 315-моддасида суд ҳужжати ижро этмаслик учун жиноий жавобгарлик белгиланган бўлиб, унга мувофиқ ваколатли суд органлари қарорлари ёки суд қарорларига тенглаштирилган қарорнинг бажарилишига тўсқинлик қилган мансабдор шахс ёки давлат хизматчисининг жиноий жавобгарлиги белгилаб қўйилган. Испания Жиноят кодексининг мазкур моддасининг ўзига хос хусусияти шундан иборатки унда нафақат суд қарорини бажаришга тўсқинлик қилиш билан биргалик балки суд қарорларига тенглаштирилган бошқа ҳужжатларнинг бажарилишига тўсқинлик қилишни ҳам жиноий жавобгарлик сифатида назарда тутган¹⁵. Бундан ташқари, Испания давлатида суд қарорини бажарилишига тўсқинлик қилишнинг субъекти фақатгина мансабдор ва давлат хизматчиси бўлиши мумкин жисмоний шахслар жиноятнинг субъекти бўлиши мумкин эмас. Шунингдек, мазкур давлатнинг жиноят қонунчилигидаги ўзга хослик шунда намоён бўладики, Испания жиноят қонунчилиги фақатгида суд органлари қарорлари ёки суд қарорларига тенглаштирилган қарорнинг бажарилишига тўсқинлик деб белигиладиган. Ваҳоланки суд

¹² Коллектив авторов. Уголовное право. Особенная часть. Учебник / Под ред. д.ю.н., проф. Н.И.Ветрова и д.ю.н., Ю.И.Ляпунова.- М.: Новый Юрист, 2018. –С.666-667.

¹³ Уголовный кодекс Республики Армения **29 апреля 2003 года ЗР-528**. Санкт-Петербург: Юрид.центр Пресс, 2021.

¹⁴ Уголовный кодекс Республики Польша. Санкт-Петербург: Юрид.центр Пресс, 2021.

¹⁵ Уголовный кодекс Испании. Санкт-Петербург: Юрид.центр Пресс, 2021.

қарорларини нафақат бажарилишига тўсқинлик қилишида балки суд қарорларини бажаришдан бўйин товлаш ҳаракати ҳам суд ҳужжатини ижро этмаслик ҳисобланади. Бу борада миллий жинойт қонунчилигида жавобгарлик назарда тутилган нормада анча тушунарли қилиб ёритилган.

Хулоса

Хорижий давлатлар тажрибасига таянган ҳолда, хусусан Қозоғистонда мавжуд бўлган ижобий тажрибадан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси ЖК 232-моддасини 1-қисми қуйидаги янги таҳрирда баён этиш мақсадга мувофиқ:

“Муайян ҳаракатларни содир этиш ёхуд уларни содир этишдан ўзини тийиш мажбурияти юкловчи суд ҳужжатини жами бўлиб уч ойдан ортиқ муддат мобайнида бажаришдан бўйин товлаш, шунингдек суд ҳужжатининг ижро этилишига тўсқинлик қилиш” деб ўзгартириш мақсадга мувофиқ. Бу масаланинг қонунда аниқ белгилаб қўйилиши суд ҳужжатларини аниқ бир муддатда бажарилишига замин яратади.

REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги фармони. <https://lex.uz/docs/5841063>
2. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. <https://lex.uz/docs/20596>
3. Гладышев С.И. Исполнительное производство Англии. -М.: Лекс-Книга, 2012. – С.6.
4. Кабулов Р., Отажонов А.Одил судловга қарши жинойтлар. Ўқув кўлланма.Т.: 2013. - Б.50.
5. <https://president.uz/uz/lists/view/3684>
6. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. <https://lex.uz/docs/20596>
7. Ўзбекистон Республикасининг “Судлар тўғрисида”ги Қонуни. <https://lex.uz/docs/5534923#5538048>
8. Уголовный кодекс Казахский Республики. – Санкт-Петербург: Юридический центр Пресс, 2021. –С.325.
9. Уголовный Кодекс Республики Казахстан новый с изменениями и дополнениями по состоянию на 02.08.2021 г.) Алматы 2021.
10. Уголовный кодекс Кыргызской Республики (с изменениями и дополнениями по состоянию на 25.01.2021 г.) О введении в действие настоящего Кодекса см. Закон КР от 1 октября 1997 года № 69 и Принят Законодательным собранием Жогорку Кенеша Кыргызской Республики 18 сентября 1997 года.
11. Болтабоев, М. (2022). Религиозные реформы, проведенные при соляном режиме. Актуальные проблемы истории Узбекистана, 1(1), 455-461.
12. Raxmonov, E. K. o'g'li, Qobilov, F. S. o'g'li, & Berdimuradov, X. T. o'g'li. (2023). RESPUBLIKAMIZDA YETISHTIRILAYOTGAN BUG'DOY DONLARINING FIZIK-KIMYOVIY KO'RSATKICHLARINING TAHLILI. ILMIY TADQIQOT VA INNOVATSIYA, 2(2), 95–101. Retrieved from <http://ilmiytadqiqot.uz/index.php/iti/article/view/144>
13. Qobilov, F. S. o'g'li, & Raxmonov, E. K. o'g'li. (2023). NON MAHSULOTLARINI TAYYORLASHDA QURUQ KLEYKOVINADAN QO'SHIMCHA SIFATIDA FOYDALANISH. ILMIY TADQIQOT VA

-
- INNOVATSIYA, 2(2), 58-63. Retrieved from <http://ilmiytadqiqot.uz/index.php/iti/article/view/139>
14. Sattorova, K. A. qizi, & Raxmonov, E. K. o'g'li. (2022). NON MAHSULOTLARINI SIFATINI OSHIRISHDA QO'LLANILADIGAN QO'SHIMCHALAR. INTERNATIONAL CONFERENCES, 1(1), 29-31. Retrieved from <https://researchedu.org/index.php/cf/article/view/230>
 15. Комилов, А., & Болтабоев, М. (2022). ЎЗБЕКИСТОН-УМУМИЙ УЙИМИЗ. Central Asian Academic Journal of Scientific Research, 2(3), 141-148.
 16. Болтабоев, М. (2023). СОВЕТ ХУКУМАТИНИНГ МАДРАСАЛАРГА БЎЛГАН МУНОСАБАТИ ТАРИХИ. IJTIMOIIY FANLARDA INNOVASIYA ONLAYN ILMIY JURNALI, 3(3), 115-119.
 17. Akhmedjanova, F. D. (2022). THE INFLUENCE OF LEARNING STYLES ON LANGUAGE TEACHING AT SECONDARY SCHOOL. Academic research in educational sciences, 3(3), 5-9.
 18. Djavairovna, A. F. (2022). The Impact of Learning Styles in Teaching English.
 19. O'G'Li, X. T. X., Berdimuradov, E. K. O. G. L., BUG'DOY, R. N. U. T., & ASOSLASH, N. T. V. CARJIS. 2022.№ 10. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/navli-un-tortishda-bug-doy-navlarini-tanlash-va-asoslash> (дата обращения: 29.03. 2023).
 20. Akhmedjanova, Farida Djavairovna. "The role and influence of feedback at foreign language learning achievement." Science and Education 2.Special Issue 2 (2021): 89-93.
 21. Уголовный кодекс Республики Таджикистан. Душанбе. 2021.
 22. Б.Ф.Юсупов. Суд ҳужжатларини бажармаганлик учун жиноий жавобгарлик муаммолари. - Т.: 2011.-Б.36-37.
 23. Коллектив авторов. Уголовное право. Особенная часть. Учебник / Под ред. д.ю.н., проф. Н.И.Ветрова и д.ю.н., Ю.И.Ляпунова.- М.: Новый Юрист, 2018. –С.666-667.
 24. Уголовный кодекс Республики Армения 29 апреля 2003 года ЗР-528. Санкт-Петербург: Юрид.центр Пресс, 2021.
 25. Уголовный кодекс Республики Польша. Санкт-Петербург: Юрид.центр Пресс, 2021.
 26. Уголовный кодекс Испании. Санкт-Петербург: Юрид.центр Пресс, 2021.